

Юксак эътироф

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг сеvimли шоирасини муборақбод этиш учун ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари жам бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармониغا бинотан адабиётимиз равнақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун Ҳалима Худойбердиева «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов Президентимиз фармонини ўқиб эшиттирди ва Ватанимизнинг юксак мукофоти ни Х.Худойбердиевага тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, «Маънавий ҳаёт» журнали бош муҳаррири Э.Шукуров, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ф.Жалилова, таниқли шоиралар Қ.Раҳимбоева, Ҳ.Ортиқбоева, адабиётшунос Қ.Йўлдошев ва бошқалар Ҳ.Худойбердиева ижодий фаолиятига тўхталиб, унинг ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги улкан хизматлари, сўзга масъулияти ёш ижодкорлар учун юксак намуна эканини таъкидлади. Шоиранинг «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлангани Президентимиз ижодкорларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётганининг яна бир ёрқин намунаси дир.

— Ҳалима Худойбердиева шеърятининг мавзу ва маъно кўлами ниҳоятда кенг ва чуқур, унинг шеърларида гўдак, аёл, ота-она,



Ватан мавзулари устувор. У ўз шеърлари билан ўзбек аёлига поэтик ҳайкал қўйган ижодкор, — дейди таниқли адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — Шоиранинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Ҳар мисраси киши қалбидаги туйғуларни жўштиради, ҳаётга ишончни оширади, инсон номига муносиб бўлиб яшашга ундайди.

— Устозимиз Ҳалима Худойбердиева шеърларини тез-тез такрорлаб тураман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гули Нигор Авазова. — Устоз шеърларидаги шиддаткорлик, инсонийлик жиҳатлари, туйғулар туғёни, жасоратнинг намунаси биз, ёшларга ҳамиша сабоқ бериб туради.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева адабиётимиз равнақи, ижодкорларни доимий қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

**Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири**